

**ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ
РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БОШҚАРИШДА ОПТИМАЛ
ХАРАЖАТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ**

Рўзимов Баҳромжон Баходиржонович

Андижон давлат университети таянч докторанти

E-mail: bahromjon7174@inbox.ru

Озиқ-овқат саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқаришда корхона молиявий фаолияти самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, корхона молиявий фаолиятида ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш орқали даромадлар ҳажмини ошириш корхонанинг молиявий имкониятларини кенгайтириши билан биргаликда, корхона ихтиёридаги инвестицион жамғармаларнинг ортиши натижасида ўз маблағлари ҳисобидан корхона фаолиятини модернизациялар имкониятларини кенгайтиради. Бу эса рақобатлашган бозор иқтисодиёти шароитида озиқ-овқат саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини тавсифловчи кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келади.

Озиқ-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлигини бошқаришда унинг молиявий фаолияти самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни горизонтал ва вертикал тарздаги таҳлилини амалга ошириш лозим. Бунда корхонанинг молиявий кўрсаткичларига асосланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Таҳлилларга кўра, корхоналар рақобатбардошлиги даражасини бошқариш самарадорлигини оширишда корхонанинг молиявий фаолиятини такомиллаштириш орқали жаҳон бозорларида маҳсулот рақобатбардошлигини оширишга эришиш мумкин бўлади. Бунда корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифат жиҳатдан такомиллашуви унинг нархини кескин ортиб кетишига олиб келмаслиги лозимлиги назарда тутилмоқда.

Озиқ-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлигини бошқаришда унинг молиявий фаолияти самарадорлигини баҳолашда аксарият иқтисодчи олимлар томонидан SWOT-таҳлилидан кенг фойдаланилади. Бу турдаги таҳлилни амалга ошириш орқали корхонанинг кучли ва кучсиз тарафларини аниқлаш орқали корхона фаолиятида кутилаётган рискли вазиятлар ҳақида тегишли хулосаларга келиш мумкин бўлади. SWOT-таҳлили қуйидаги тўрт йўналиш асосида амалга оширилади:

-“Strenghts” корхонанинг кучли тарафлари – яъни, корхонанинг рақобат устунлиги;

-“Weaknesses” корхонанинг заиф жиҳатлари – корхона фаолияти, жумладан унинг рақобатбардошлигини бошқаришдаги камчиликлар ва мавжум муаммолари;

-“Opportunities” корхонанинг имкониятлари – корхона фаолиятини ривожлантириш билан биргаликда унинг рақобатбардошлигини бошқариш даражасини такомиллаштириш орқали унинг молиявий кўрсаткичларини яхшилаш имконини берувчи ташқи муҳитдаги ўзгаришлар;

-“Thresats” хавф-хатарлар / рисклар – корхонанинг бозордаги ўрни, жумладан, унинг рақобатбардошлиги кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг мавжудлиги.


Шу ўринда таъкидлаш жоизки, SWOT-таҳлили натижалари асосида бозордаги аниқ вазиятни баҳолаш, корхонанинг заиф ва кучли жиҳатларини аниқлаш асосида уни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, корхона фаолиятидаги мавжуд муаммолар, бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар натижасида корхона учун юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар ва ривожланиш имкониятлари борасидаги хулосаларга келиш мумкин бўлади.¹

Фикримизча, SWOT-таҳлилни амалга ошириш орқали озиқ-овқат саноати корхонаси рақобатбардошлигини бошқариш самарадорлигини аниқлаш ва уни такомиллаштириш юзасидан умумий хулосаларни олишга эришилади. Аммо ушбу усул корхона рақобатбардошлигини бошқаришда оптимал харажатлар усули бўйича етарли даражада хулосаларга келиш имкониятини тўлиқ бермайди. Шу сабабли амалга ошириладиган тадқиқотлар натижаларига янада аниқлақ киритиш мақсадида, SWOT-таҳлил билан параллел равишда саноат корхонаси рақобатбардошлигини тавсифловчи молиявий кўрсаткичлар тизимидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунда корхона рақобатбардошлигини бошқариш даражасини баҳолашнинг динамик усулларида фойдаланиш лозим бўлади.

Озиқ-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш даражасини баҳолашда динамик усуллар орқали унинг молиявий кўрсаткичлари тизимини таҳлил қилиш асосида корхона молиявий фаолиятини ўзида акс эттирувчи асосий кўрсаткичлардан фойдаланган

¹ Абдукаримов И.Т. Финансово-экономический анализ хозяйственной деятельности коммерческих организаций (анализ деловой активности): учеб. пособие / И.Т. Абдукаримов, М.В. Беспалов – М.: НИЦ ИНФРА-М, 2019. 320 с.

ҳолда уни такомиллаштириш бўйича прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш имкониятларини яратади.²



1-расм. Молиявий бошқарув самарадорлиги коэффиценти ва унинг таркибий компонентлари³

Амалга оширилган тадқиқотларимиз натижаларига асосланган ҳолда, озиқ-овқат саноати корхонаси рақобатбардошлигини бошқаришда молиявий бошқарув самарадорлиги коэффиценти асосланган ҳолда оптимал харажатлар усулини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Таклиф этилётган молиявий бошқарув самарадорлиги коэффиценти молиявий-операцион, молиявий-стратегик ва корхона молиявий барқарорлиги коэффицентларидан ташкил топади (1-расмга қаранг).

Таклиф этилаётган молиявий бошқарув самарадорлиги коэффицентини ҳисоблаш амалиёти жуда содда тартибда тузилган бўлиб, уни ҳисоблаш ҳар қандай корхона бошқарувчиси учун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди ва қуйидаги формула (1) асосида ҳисобланади:

$$K_{mbs} = K_{mo} * K_{ms} * K_{mb} \quad (1)$$

Жумладан, молиявий бошқарув самарадорлиги коэффицентини ҳисоблашда фойдаланиладиган молиявий-операцион коэффиценти корхонанинг маҳсулот сотишдан олган жами даромадининг ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлари ўртасидаги нисбатга асосланади ва қуйидаги (2) тартибда ҳисобланади:

$$K_{mo} = \frac{D_{ms}}{X_{mich}} \quad (2)$$

Бу ерда:

D_{ms} – корхонанинг маҳсулот сотишдан олган жами даромади ҳажми, сўмда;
 X_{mich} – корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган жами харажатлари.

² Фатхудинов Р.А. Управления конкурентоспособностью организации / Р.А. Фатхудинов. – М.: Изд-во «Эксмо» - 2014. 545 с.

³ Муаллиф томонидан тузилган

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, молиявий-операцион коэффицентини ҳисоблаш жараёнида сотилган маҳсулот ҳажми билан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ўзаро тенг бўлиши лозим бўлади.

Кейинги кўрсаткич бу молиявий-стратегик коэффицент бўлиб, бунда ўрганилаётган даврда корхонанинг маҳсулот сотишдан олган жами даромади ҳажмини (D_{ms}) аввалги мос даврдаги маҳсулот сотишдан олинган даромад ҳажмига (D_{ms0}) нисбатини олиш лозим бўлади. Чунки ҳар қандай корхонанинг стратегик молиявий мақсади бу корхона даромадини ошириш ҳисобланади. Молиявий-стратегик коэффицент қуйидаги (3) тартибда ҳисобланади:

$$K_{ms} = \frac{D_{ms}}{D_{ms0}} \quad (3)$$

Сўнги кўрсаткич бу корхонанинг молиявий барқарорлиги коэффицентини (K_{mb}) бўлиб, бунда ўрганилаётган даврда корхонанинг айланма маблағлари ҳажмини (A_k) аввалги мос даврдаги айланма маблағ ҳажмига (A_{k0}) нисбатини илдиз ости кўрсаткичини ҳисоблаш орқали аниқланади ва қуйидаги тенглама (4) асосида ҳисобланади:

$$K_{mb} = \sqrt{\frac{A_k}{A_{k0}}} \quad (4)$$

Юқорида келтирилган формулалар асосида (3.1-3.4) Андижон вилояти озиқ-овқат саноати тармоғида хўжалик фаолияти юритаётган сутни қайта ишлаш ва пишлоқ ишлаб чиқарувчи “SHANRIXONSUT” ва “EVRO EKFIN” МЧЖлари, “ВОХИД” хусусий корхонаси, ҳамда мева ва сабзавот шарбатларини ишлаб чиқарувчи “VERY GOOD JUICE” хусусия корхоналари рақобатбардошлигини бошқаришнинг молиявий самарадорлиги кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида кейинги йилларда корхоналар хўжалик фаолиятида оптимал харажатлар усулидан фойдаланиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқамиз.

2-жадвалда юқорида келтириб ўтилган озиқ-овқат саноати корхоналарининг молиявий фаолиятига оид кўрсаткичларини келтириб ўтамиз. Жадвал маълумотлари таҳлиliga кўра, 2015-2021 йилларда “SHANRIXONSUT” МЧЖ корхонасининг молиявий фаолияти кўрсаткичлари танлаб олинган бошқа озиқ-овқат саноати корхоналарига нисбатан сезиларли даражада пасайганлигини кузатишимиз мумкин. Ўрганилаётган даврда “SHANRIXONSUT” МЧЖ корхонасининг ялпи даромадлари ҳажми 16,1 мартага, корхонанинг соф фойдаси ҳажми эса 7,9 мартага камайганлиги аниқланди.

**2-жадвал. Андижон вилоятида хўжалик фаолияти юритаётган озиқ-
 овқат саноати корхоналарининг молиявий фаолияти кўрсаткичлари,
 млн. сўмда⁴**

	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й
“SHANRIXONSUT” МЧЖ							
Маҳсулот сотишдан тушган даромад	5071,4	7418,7	5897,1	3657,6	1882,7	911,1	314,8
Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари	4888,4	7116,0	5614,8	3372,6	1788,6	749,5	291,6
Корхона соф фойдаси	183,0	302,6	282,3	285,0	94,1	161,7	23,2
Корхона айланма капитали	1601,3	2700,2	1899,6	1229,2	687,3	302,1	102,1
Корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари	1001,1	1506,2	1179,4	731,7	376,6	122,2	62,9
“EVRO EKFIN” МЧЖ							
Маҳсулот сотишдан тушган даромад	557,3	6642,8	14211,1	5664,5	45032,4	42444,2	61073,6
Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари	433,3	4766,8	10925,2	4283,0	44606,8	38042,5	57929,3
Корхона соф фойдаси	124,0	1876,1	3285,8	1381,5	425,6	4401,7	3144,2
Корхона айланма капитали	198,8	2214,2	3711,7	1568,5	15010,7	14133,7	20357,8
Корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари	111,2	1322,8	3222,6	1132,9	9006,5	8448,4	10210,7
“ВОХИД” ХК							
Маҳсулот сотишдан тушган даромад	184,0	245,4	238,8	290,0	618,1	281,2	936,7
Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари	171,2	231,5	219,2	271,7	433,5	248,4	914,5
Корхона соф фойдаси	12,7	13,8	19,6	18,2	184,6	32,8	22,2
Корхона айланма капитали	63,9	75,6	72,3	99,9	207,2	92,9	312,3
Корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари	36,5	48,9	45,6	56,7	127,1	54,4	127,4
“VERY GOOD JUICE” ХК							
Маҳсулот сотишдан тушган даромад	126,5	318,8	309,9	104,2	160,0	272,8	680,4
Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари	116,4	298,7	289,1	95,5	148,4	245,5	612,3
Корхона соф фойдаси	10,1	20,1	20,8	8,7	11,6	27,3	68,0
Корхона айланма капитали	48,7	106,9	103,3	34,7	80,2	90,9	226,8
Корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари	23,3	61,5	61,9	20,9	32,3	54,7	136,1

Таҳлилларга кўра, 2015-2021 йилларда “ВОХИД” ва “VERY GOOD JUICE” хусусий корхоналари ялпи даромадлари ҳажми 5,0 баробардан зиёдрок кўрсаткичга ортган бўлса, “EVRO EKFIN” МЧЖнинг ялпи даромадлари

⁴ Озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган

ҳажми танлаб олинган озиқ-овқат саноати корхоналарига нисбатан сезиларли даражада юқори ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги аниқланди.

Амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижаларига кўра, Андижон вилояти озиқ-овқат саноати тармоқларида хўжалик фаолияти юритаётган корхоналарнинг молиявий бошқаруви самарадорлиги (K_{mbs}) коэффициенти таҳлил этилаётган даврда циклик ривожланиш тенденциясига эга бўлган бўлиб, умумий ҳолда корхонанинг молиявий бошқаруви самарали бўлиб, корхона бошқарувида оптимал харажатлар усулидан кенг фойдаланилиши натижасида корхонанинг молиявий имкониятлари кенгайишига эришилган деган хулосага келиш имконини беради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, озиқ-овқат саноати корхоналарининг 2020 йилдаги молиявий бошқаруви самарадорлиги (K_{mbs}) коэффициентининг пасайиши тенденцияси “Covid-19” пандемиясининг корхоналар фаолиятига таъсири сифатида баҳоланиши мумкин бўлади.

Фикримизча кейинги йилларда озиқ-овқат саноати корхоналари бошқаруви амалиётида оптимал харажатлар усулидан фойдаланишда қуйидагиларга устуворлик қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

-маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантириш;

-корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича харажатлар сметасини қайта кўриб чиқиш, жумладан, нисбатан арзонроқ бўлган ҳом-ашё манбаларини излаб топиш ва улардан фойдаланиш;

-корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича оптимал имкониятлари даражасини аниқлаш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини кескин ва асоссиз ортиб кетишини олдини олиш;

-корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини пасайтириш имкониятларини аниқлаш ва улардан корхона бошқаруви амалиётида фойдаланиш;

-корхона томонидан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва ташиш харажатларини қайта кўриб чиқиш ва уларни камайтириш имкониятларини излаш;

-маҳсулот ишлаб чиқаришда муқобил энергия воситаларидан фойдаланиш орқали корхонанинг доимий харажатлари сарфини камайтириш;

-ишлаб чиқариш жараёнларида инсон омили ролини камайтириш ва уни автоматлаштириш орқали ҳом-ашё сарфини камайтириш ва ҳ.к.

Фикримизча, юқорида келтирилган таклифларни амалиётга жорий этилиши асосида мамлакатимиз озиқ-овқат саноати корхоналарининг молиявий

фаолияти самарадорлигини оширишга эришилади. Жумладан, таклиф этилаётган корхоналар молиявий бошқаруви самарадорлиги (K_{mbs}) коэффицентини мамлакатимиздаги нафақат озиқ-овқат саноати корхоналари, балки барча турдаги саноат корхоналари бошқаруви амалиётида қўллаш имконияти мавжуд бўлиб, бу орқали корхонанинг молиявий фаолияти самарадорлигини мунтазам баҳолаб бориш имкониятлари вужудка келади. Шу билан биргаликда, корхона молиявий фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш асосида корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ортади. Натижада корхоналарнинг молиявий имкониятлари кенгайиб, ишлаб чиқариш жараёнларини техник-технологик жиҳатдан модернизациялашда ички инвестициялардан, яъни ўз маблағларидан фойдаланиш даражаси ортади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Рўзимов Б. Б. Озиқ-овқат саноат корхоналарининг рақобатбардошлик даражаси таҳлили. // “Иқтисодиёт ва таълим”, Илмий электрон журнал, 2022 йил, 1-сон, –Б. 270-277. http://doi.org/10.55439/ECED/vol123_iss1/a45
2. Рўзимов Б. Б. Озиқ-овқат саноати корхоналарида рақобатбардошликни бошқаришнинг назарий жиҳатлари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар”. Илмий электрон журнал, 2022 йил, январь-февраль, №00057, –Б. 155-162. <http://iqtisodiyot.tsue.uz>
3. Рўзимов Б. Б. Андижон вилоятида озиқ-овқат саноат корхоналарини бошқарув рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллари таҳлили // “Хоразм маъмун академияси” ахборотномаси, 2022 йил, №4 -Б. 246-250.
4. Рўзимов Б. Б. Андижон вилоятида озиқ-овқат кластерлари корхоналарининг рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар. // *Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar / 2022 yil 3(18) son, iyul-sentyabr, -B. 99-106.*
5. Рўзимов Б. Б. Озиқ-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш тамойиллари. // “Замонавий дунёда инновацион тадқиқотлар: Назария ва амалиёт номли илмий, масофавий, онлайн конференция, 2022 йил, №6 -Б.21-26. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6798112>
6. <https://repo.journalnx.com/index.php/nx/article/view/4176>.